



6(50)-сон,
2017 йил, шюнъ

Ислом КАРИМОВ

ІJODIY РаRBOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТҮҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалар асосида замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ўш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маданият ва санъат соҳасини бошқаришда эскича усуллар сақланиб қолаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс ёндашувнинг етишмаслиги, маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда оқсоқликка йўл қўйилаётгани, аксарият жойларда маданият ва санъат масканларининг моддий-техника базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этиш зарур. Айниқса, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда мавжуд талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, бу йўналишдаги устувор вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермаяпти.

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишининг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ўш авлодимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар, она-юргта меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган қўйидаги вазифалар ижро учун қабул қилинсан:

маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва сама-

радорлигини ошириш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш. Жумладан, музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши. Моддий маданий мерос ва археология объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш механизmlарини янада такомиллаштириш;

маданият ва санъат муассасалари, театрлар, музейлар, бадиий жамоалар, маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолияти, моддий-техника базаси ҳолатини атрофлича ўрганиш, уларни таъмиrlаш ва зарур жиҳозлар, мусиқа асблоблари билан таъминлаш, самарали ижодий фаолият учун қулаги шарт-шароитлар яратиш. Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган таникли санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли қўрик-тандловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш;

ёшларни санъат масканлари, хусусан, театр ва музейлар, концерт томошаларига мунтазам жалб этиш, ўзбек ва жаҳон маданиятининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик диди ва маданий даражасини янада юксалтириш. Маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида “Нуронийлар маскан”ларини ташкил этиб, фахрийларнинг маданий дам олишлари учун зарур шароитлар яратиш;

“Сени куйлаймиз, замондош!”, “Дебют” каби театр санъати қўрик-фестиваллари самарадорлигини ошириш орқали буюк сиймолар, замонамиз қаҳрамонлари образи, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини акс эттирган, бадиий юксак саҳна асарларини яратиш. “Баҳор нафаси” ҳалқаро санъат фестивали, “Бойсун баҳори” ҳалқаро фольклор фестивали, “Ёшлик баҳори” республика ўш опера ижочилари фестивали сингари тадбирлар, турли ҳалқсайилларини ташкил этиб, уларга хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш;

маданият ва санъат йўналишдаги таълим муассасаларининг малакали кадрлар ва мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, бу борада кадрлар тайёрлаш, қайta тайёрлаш ва уларнинг малакасини

oshireshning samarali tizimini яратиш, замонавий илғор тажрибалардан фойдаланиш, дунёning машҳур мусиқачилари, бастакорлари иштирокида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этиш, маданият ва санъат йўналишдаги таълим муассасаларини ўкув дастурлари ва ноталар, ўкув қўлланма ва дарсликлар, илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш;

Ўзбекистоннинг юксак маданияти ва санъатини ҳалқаро майдонда янада кенг тарғиб этиш, ҳалқаро қўрик-тандлов ва фестивалларда мамлакатимиз вакилларининг иштирокини кучайтириш, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Шарқ тароналари” ҳалқаро мусиқа фестивали нуфузини янада ошириш, бошқа турли тадбирларда чет эллик маданият ва санъат намояндларини кенг қатнашишларини таъминлаш, ҳалқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш, соҳага замонавий аҳборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2017 йилнинг 1 октябрига қадар:

музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш комплекс чора-тадбирларини;

ёшларни театр ва музейларга, концерт-томоша тадбирларига тизимили равишида жалб этиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик ва маданий даражасини янада юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда мамлакатимиздаги концерт-томоша ва театр муассасаларининг ижодий ходимлари учун грин ва постижёр маҳсулотлари, оёқ кийимлар, маҳсус либослар, ўзбекистон даражада ишланган саҳна декорациялари ва конструкциялари, парда ва саҳна либосларини тайёрлашга ихтисослаштирилган қўшма корхона ташкил этиш юзасидан тақлифларини Вазirlar Maҳkamasiga kiritsin.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-ўйда жойлашган бинони “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси

тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган, академик жамоаларнинг бадиий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш бўйича Вазirlar Maҳkamasiga taklif kiritsin.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги 2018/2019 ўкув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваториясида маданият ва санъат йўналишдаги олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари, шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасалари учун малакали мусиқа педагогларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослаштирилган факультет ташкил этиш юзасидан зарур чораларни амалга оширсин.

5. Кўйидагилар Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси;

тижорат банкларининг кредит маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Республика комиссияси (А. Арипов):

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазirlar Kengashi Raissi ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича бир ҳафта мuddатда тегишли ишчи гурухлар ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТҮҒРИСИДА

< Давоми.

Бошланиши 1-бетда.

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тономидан ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, вилоят, шаҳар, туманлар бўйича Дастур асосида икки ҳафта муддатда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилишини таъминласин, уларни тасдиқласин ҳамда уларда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштирунг;

Дастурда назарда тутилган чоҳра-тадбирларнинг бажарилишига

масъул бўлган вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимиюти органдарни фаолиятини тизимли асосда мувофиқлаштириб, белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан мониторинг олиб борсин ва назорат қўлсинг.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини:

Дастурни амалга ошириш юзасидан икки ҳафта муддатда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиб, Республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритиш;

Дастурни амалга ошириш учун зарур бўладиган маҳаллий бюджет

маблагларининг режалаштирилиши ва тўлиқ ажратилиши, ҳомийлик хайриялари жалб этилишини таъминлаш;

худудларда маданият соҳасида фаолият юритаётган юқори малакали ходимлар, жумладан, иқтидорли ёш мутахассислар учун муносиб тураржой шароитларини яратиш мақсадида ҳудудлар марказларида имтиёзли ипотека кредитлари асосида кўп қаватли хизмат уйларини куриш, шунингдек, юқорида кўрсатилган тоифадаги мутахассислар учун уй-жойлар ажратиш;

маданият ва истироҳат боғларида аҳоли, айниқса, болалар ва ёшли

хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мавжуд аттракцион ва бошқа ўйин қурилмаларининг хавфсизлик қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш чораларини кўрсинг.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Боз вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 31 май

Қабул-2017/2018

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш түғрисидаги 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2955-сон қарори ижроси бўйича Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида амалга оширилаётган ишлар хусусида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда республикамиздаги маданият ва санъат соҳаси тизимига юқори малакали қадрларни сифатли тайёрлаш, соҳанинг ривожланиш истиқболини инобатта олиб, олий таълим йўналишлари ва мутахассисларини янада мақбулаштириш ва унификациялаш, институтта 2017/2018 ўқув йилида талабалар қабулини амалга ошириш мақсадида қўйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

2017/2018 ўқув йилида институттинг Касб таълими (йўналишлар бўйича), Санъатшунослик (турлари бўйича), Актёrlик санъати (турлари бўйича), Режиссёрлик (турлари бўйича), Техноген санъат (турлари бўйича), Кино-телеоператорлик, Xалқ ижодиёти (турлари бўйича), Маданият ва санъат соҳасини ташкил этиши ва бошқариш, Санъатда анимациявий ва мультимедиавий лойиҳалаш, Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик, Ижтимоий-маданий фаолият таълим йўналишлари кесимида 350 нафар талабаларнинг қабулини амалга оширилиши режалаштирилган, шундан 89 нафари давлат гранти, 261 нафари тўлов-шартнома асосида таълим олади. 2017/2018 ўқув йили қабули жараёнида юқорида қайд этилган қарор асосида янгидан Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик таълим йўналишига қабул амалга оширилади (жами 50 нафар, шундан 10 нафари давлат гранти асосида, 40 нафари тўлов-шартнома асосида).

Институт таълим йўналишлари, таълим шакли ва тили бўйича қабул квоталари, тест ўтказиладиган фанлар рўйхати ҳамда ихтинослик бўйича ижодий имтиҳон топшириладиган таълим йўналишлари маълумотлар жам-

ланмаси тўпланиб,abituriyentlar тўлиқ маълумотлар олиши учун тарғибот-ташвиқот лавҳалари ва бошқа зарурий маълумотларни тайёрлаш ишлари якунига етказилмоқда.

Жорий йилда тест синовларига қатнашадиганabituriyentlar сони ўтган йилга нисбатан 20-30% ошиши кутилаётганини ҳисобга олиб тест синовлари ўтказиш таълабларига жавоб берадиган бино ва аудиториялар тест жараёнида фойдаланиш учун танланиб, уларни тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтайдиган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада токомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича институттада 2017-2021 йиллар давомида янги таълим йўналишлари ва мутахассисларини очиш, фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчilarни етакчи хорижий мамалакатлар олий таълим муассасаларида стажировка, малака оширишини, магистр талабалар алмашинувини ўйла қўйиш, PhD ва докторантларни тайёрлаш ҳамда босқичма-босқич институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари киритилган.

Институтимиз билан асосан Жанубий Корея Республикасининг Осиё маданият маркази ва Россия Федерациясининг Санкт-Петербург маданият институти ҳамкорлиқда мазкур масалаларни амалга ошириши кўзда тутилмоқда. Яъни Кореяга 2017 йилда 3 нафар, Санкт-Петербургга 6 нафар профессор-ўқитувчilar ҳамда 1 нафар магистр талаба юборишини режага кириганимиз. Мазкур жараён келажакда институттинг илмий салоҳияти ва ўқув жараёни самардорлигининг ўсишига олиб келади.

Абитуриентлар, уларнинг отоналари учун ҳужжат топшириш

жараёнида соғлом мұхит, етарли услугбий, тиббий, майшия таъминлаш шарт-шароитлар яратилмоқда.

Жорий йилда тест синовларига қатнашадиганabituriyentlar тарғибот-ташвиқот лавҳалари ва бошқа зарурий маълумотларни тайёрлаш ишлари олиб бораётган бу жараёнида институттинг моддий-техник таъминоти имкониятлари, яъни аудиториялар сиғими, профессор-ўқитувчilar таъминоти, уларга тўланадиган иш ҳақи ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши мақсад қылганимиз. Ҳозирги вақтда мазкур жараёнида тўлов шартлари қай ҳолатда амалга оширилиши механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича институттада 2017-2021 йиллар давомида янги таълим йўналишлари ва мутахассисларини очиш, фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчilarни етакчи хорижий мамалакатлар олий таълим муассасаларида стажировка, малака оширишини, магистр талабалар алмашинувини ўйла қўйиш, PhD ва докторантларни тайёрлаш ҳамда босқичма-босқич институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари киритилган.

Институтимиз билан асосан Жанубий Корея Республикасининг Осиё маданият маркази ва Россия Федерациясининг Санкт-Петербург маданият институти ҳамкорлиқда мазкур масалаларни амалга ошириши кўзда тутилмоқда. Яъни Кореяга 2017 йилда 3 нафар, Санкт-Петербургга 6 нафар профессор-ўқитувчilar ҳамда 1 нафар магистр талаба юборишини режага кириганимиз. Мазкур жараён келажакда институттинг илмий салоҳияти ва ўқув жараёни самардорлигининг ўсишига олиб келади.

Абдурасул ЎРОЗОВ,
Ўқув бўлими бошлиги



КИТОБ – ЗИЁ МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташабуси билан ишлаб чиқарилган ва қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" да фан ва таълимни ривожлантириш, ўзбек ҳалқининг бой маданий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва асрар-авайлаш, китоб нашрларининг маърифий жиҳатларини аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш масалалари аниқ белгилаб берилган.

Шу мақсадда жорий йилнинг 23 июнь куни "MEDIA HALL NAESMI"да ўзЭОАВМА, "Ҳаракатлар стратегияси" маркази, Ўзбекистон Фанлар Академияси, "ЮНЕСКО"нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигига "Узок ўтмишдан мактублар: таълим, маърифат, тинчлик ва бунёдкорлик ўзбек ҳалқининг абадий қадриятлари сифатида" мавзусида ҳалқаро медиа-анжуман бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон обидаларидағи битиклар" лойиҳаси ҳукумат ва жамоат ташкилотлари кўмагида мамлакат ҳудудида жойлашган меъморий обидалардаги битикларни комплекс ва тизимли равишда тўлиқ ўрганиш ҳамда нашр этиш бўйича жаҳонда ягона лойиҳа ҳисобланаби, анжуман доирасида "Ўзбекистон обидаларидағи битиклар" лойиҳасининг 13-томлик китоб-альбом тақдимоти ўтказилди. "Ўзбекистон обидаларидағи битиклар" номи остида жами 25 жилдли китоб-альбомлар туркум лойиҳаси ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишили баённомалари асосида амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунга қадар чоп этилган 12 та китоб-альбом жилдиди Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри, шунингдек, Самарқанд вилоятидаги 2 меъморий маъмура — Регистон ва Шоҳи Зинда обидалари ҳамда улардаги ёзувлар ҳақида маълумот берилган эди. Кеча тақдимоти бўлган 13-жилд ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тарихий қадамжолар ва меъморий маъмуларга бағишиланди.

Тадбирнинг мұхим воқеаси сифатида "Ўзбекистон обидаларидағи битиклар" лойиҳасининг 3250 дона китоб-альбоминий ўзичига олган 250 та тўплам диний, илмий таълим муассасалари, миллий ва жаҳон кутубхоналари ҳамда музейлар, шунингдек, дипломатик миссиялар раҳбарларига совға сифатида тақдим этишга бағишиланган илмий-маърифий акция ўтказилди. Тадбирда ийл сўнгигача яна 2 та китоб тақдимоти ўтказилиши режалаштирилган таъкидланди.

Шу билан бирга институтимиз тадбир меҳмони бўлиб, 1 та тўплам (13 жилдан иборат) "Ўзбекистон обидаларидағи битиклар" китоб-альбомлар тўплами учун сертификатни қўлга киритиди. Бужамоамиз учун ҳақиқий байрам тухфаси бўлди.

Нашриёт ва таҳририят бўлими

“ЁШЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ ОЛАМИНИ ЎКСАЛТИРИШ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ” МАВЗУИДАГИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Жорий йилнинг 9 июнь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти томонидан ташкил қилинган “Ёшларнинг мањнавий оламини юксалтириш ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда институт раҳбарияти ва профессор ўқитувчилари қаторида Фан ва технологиялар агентлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг матбуот хизмати раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги масъул ходимлари, бошқарма бошлиқлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда Миллий рақс ва хореография Олий мактаби проекторлари, етакчи профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли ёшлар ҳамда ОАВлари иштирок этди.

Мамлакатимизда санъат ва маданият соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаш, уларни ҳар томонлама билим олишлари ва жамиятда ўз ўрнини топишлари учун яратилиб берилаетган шарт-шароитларлардан кенг фойдаланишга даъват этиш, олий таълим тизимида илмий салоҳиятни ошириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни янада ривожлантириш борасида институтда ўқув, илмий, мањнавий-мањифий ишлар бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар муҳокама қилинди.

Анжуманда ЎЗДСМИ Мањнавият ва мањифат ишлари бўйича проектор Д.Мулладжонов “Санъат ва маданият – мањнавий юксалишнинг асосий омили”, Илмий ишлар бўйича проектор Г.Халиқулова “Илм-фани янги босқичга кўтариш, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш - замон талаби” ҳамда “Театр санъати” факультети

мањнавият ва мањифат ишлари бўйичадекан мувонини, доцент З.Исоқовларнинг “Баркамол авлодни тарбиялаш – мањнавиятнинг бош мезони” мавзуидаги мањрузалари тингланди.

Шунингдек, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурида белгиланган вазифалар, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” да белгиланган вазифалар юзасидан 5 йил мобайнида институтда бажарилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда институтда Бельгия давлатидаги UNICA ташкилоти билан TEMPUS-IV дастурининг 6-танлов доирасида “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида докторлик таълимининг сифатини ошириш – “UZDOC” халқаро лойиҳаси доирасида имзоланган шартномага мувофиқ З йиллик илмий-услубий изланишлар натижасида институтда “Докторлик таълими маркази” ташкил қилинган ва 16.916.00 евро миқдорига тенг техник жиҳозлар билан таъминланган. Бу соҳада илмий ишларни ривожлантириш борасидаги ишларнинг яққол намунасидир. Хозирда Эрасмус+ дастури доирасида 2та халқаро лойиҳа (“UZDOC-2” ва кридит-мобиль) устида иш олиб борилмоқда, - деб хабар берди.

2012-2016 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияларига эга

бўлган иқтидорли талабалардан 2 нафари, Навоий номли давлат стипендияларига эга бўлган талабалардан 5 нафари ёш тадқиқотчилар сирасига киради. “XXI аср – интеллектуал авлодасри” мавзусидаги Республика илмий конференциясида иштирок этган 19 нафар ёшлардан 3 нафари республика босқичида қатнашган ва Фаҳрий ёрликларни кўлга киритган.

Инновацион гурухларда фаолият кўрсатган 2 нафар талаба мањрузасини инглиз тилида тайёрлаган ва “Энг яхши магистрлик диссертацияси”, “Энг яхши малакавий битирув иши” республика танловида иштирок этиб, шулардан 1 нафар магистр фаҳрли З-ўринни эгаллаганлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

“Мумтоз наволар”, “Барҳаёт наволар”, “Эртанги кун бизники, марра бизники”, “Тафаккур синовлари” каби кўплаб Республика танловларида институт ёшлари ўз иходий ишлари ва чиқишилари билан иштирок этиб, юқори натижаларни кўлга киритдилар. Улардан С.Собиров, С. Дилемуродловар “Мумтоз наволар”, “Барҳаёт наволар” кўрик-танловлари ғолиби, Ҳ.Алижонов Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган халқаро талабалар кинофестивалида “Мехр” номли қисқа метражли фильми билан, М. Аллақуловва Тоҷикистонда ўтказилган “Навсоз” номли ёш кино ижодкорлари ўртасида ўтказилган фестивалда “Садоқат” номли қисқа метражли фильмни билан иштирок этиб маҳсус диплом билан тақдирландилар. Жорий йилда 1-курс талабаси М.Азизова кинематографияни ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда “У” номли қисқа

мертажли фильмини Россиялик актёр Дмитрий Дюжев билан суратга олиб, Франциянинг Канн шаҳрида ўтказилган 70-халқаро КАНН фестивалида иштирок этишга мұяссар бўлди, – дейди Мањнавият ва мањифат ишлар бўйича проректор Д.Мулладжонов.

Ёшларнинг бундай кўплаб ютуқларига эришаётгандиги давлатимизда ёшларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, иқтидорларини намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилаётгандиги таъкидланди.

Эл-юртнинг келажаги буғун камолга етётган ёшлар қўлида. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидланидек, “Юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиласининг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари авваламбор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади”. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида талабалар юқсак мањнавиятли, зукко, билимдон, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида таълим-тарбия олмоқдалар.

Анжуман кутилган натижани берди ва қизгин баҳс мунозарага бой бўлди. ОАВ вакиллари томонидан берилган саволларга институтнинг профессор-ўқитувчилари Ў.Тошматов, Қ.Нишонбоева, Н.Умарова ҳамда ёш тадқиқотчилардан А.Исмоилов ва Б.Якубовлар жавоб беришиди.

**Нафиса РАЙМҚУЛОВА,
Нашриёт ва таҳририят
бўлими мұҳаррири**



Институт ҳаётидан • Институт ҳаётидан • Институт ҳаётидан • Институт ҳаётидан • Институт ҳаётидан

“ИЛМ ЮЛДУЗЛАРИ”

Хуршида Файзуллаева ҳамда “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналиши 4-курс талабаси Мұяссар Латипхоновлардан иборат бўлиб, улар кўрик-танловда учта шарт бўйича куч синашди. Биринчи шарт танишириш шарти бўлиб, иштирокчи устози, илмий фаолияти, кафедра жамоаси, илмий ишининг қисқача мазмуни ҳақида маълумот берди.

Иккинчи шартда уларга “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йилини Давлат дастурида белгиланган вазифалар, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” юзасидан саволлар берилиб, иштирокчиларнинг назарий билим ва топқирилларни баҳоланди. Охирги учинчи шартда иштирокчилар чет тилларида “Мен нечун севаман, Ўзбекистонни” мавзусида юртимизнинг қадимий тарихи, бугуни,

миллий қадриятлари, таомлари, табиити, халқаро майдондаги мавқеи ҳақида Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эллик меҳмонларни танишириш вазифаси берилид. Мазкур шартда Нодира Қосимова, Альбина Тўхтаева ва Хуршида Файзуллаеванинг қишишлари барчанинг эътиборини тортди. Иштирокчиларнинг қишишларини “Олима” аёллар уюшмаси раиси Мукаррам Нурматова, институт профессор-ўқитувчиларидан Муаттар Содиқова, Қундузхон Нишонбоева, Муқаддам Содиқова, Зебо Қосимова ва Матлуба Исоқовалар баҳолаб боришиди. Кўрик-танловда “Энг фаол иштироки учун” Нодира Қосимова, “Томошабин эътиборига сазовор иштирокчи” номинацияси бўйича Ҳафиза Абдуллаева, “Энг моҳир илм соҳибаси” номинацияси бўйича Альбина Тўхтаева, “Энг моҳир миллий қадриятлар тарғиботчиси” номинацияси бўйича Робия Исматуллаева, “Энг яхши инновацион ғоя” номинация-

си бўйича Хуршида Файзуллаева, “Энг зукко ва топқирикчи” номинацияси бўйича Мұяссар Латипхонова тақдирланди ва эсадлик совғалари топширилди. Танлов якунига кўра З-ўрин Ҳафиза Абдуллаевага, 2-ўрин Мұяссар Латипхоновага ва 1-ўрин Альбина Тўхтаевага насиб этди ва Тошкент шаҳар босқичга йўлланма олишди.

Хотин-қизлар жамиятнинг ҳам чироги, ҳам чароғбони. Уларнинг илмий фаолиятини кенг кўламда амалга ошириш учун яратилаётган шароитлар оиласи чин мањнавиятда тафаккур ва мањифатни кўргонига айлантиришга, аёлларимизнинг интеллектуал салоҳиятни юксалтиришда ва рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Зоро соғлом, билимли ва мањнавиятли оналар соғлом авлодни дунёга келтиришга ва тарбиялашга қодир. Бу машақатли йўлда уларга омад ва зафарлар тилаймиз.

**Ўткирбек МУСТАФОҚУЛОВ,
“Эстрада актёрги санъати” бўлими
4-босқич талабаси**

БОЛАЛАРНИ АСРАЙЛИК

Ривоятларга кўра, қадимда бир золим подио эл устига юриши қилиб, шаҳар-қишлоқларнинг қулини кўйка соvuрибди. Жангни түгатишбўйтишишайтганда саркардалардан бури харобалар орасида тирик қолган бир гўдакни топиб, подиога келтирибди. "Фарзандим йўқ эди, буни ўзимга меросхўр қилиб оламан" дега севиниди подио. Лекин гўдак чириллаш ишлар, не-не жангларда голиб бўлган саркардалар ҳам овутполмасилар. Шу атрофода ётган бир чалажон аёл бола ийгисини эшишиб ҳушига келибди. Чақалокни унинг қўлига туштибдилар. Аёл гўдакка меҳр билан термулиб, алга айттибди. Гўдак тинчиб, шу заҳотиёғ ўйнуга кеттибди. "Бу қўшигинда не сир бор?" дега ҳайратланиб сўрабди подио. "Бу қўшикининг номи – алла. Уни фақат оналаргина қўйлаш олади", дебди аёл. Шунда подио аёл-у гўдакка эҳтиром кўрсатиб, уларни ўз юртига отиб кеттибди. Сўнг ўша юртда ҳам алга айттичилар кўпайибди. Золим подио бўлса инсофга келибди, эл осоиншия яшай бошлабди.

Аёл ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало, кўз ўнгимизда оила, фарзандлар тарбияси мужассам бўлади. Бола дунёга келган кунидан она бағрида ўса бошлайди. У илк сўзларни волидасининг эркалашларидан, алласидан эштади. Шу ерда, Имом Фаззолийнинг тарбия ҳақидаги фикрларини келтириб ўтсан: "Фарзанд ота-она қўлидаги омонатdir унинг дили эса нафис гавҳарга ўхшайди. Гавҳарга ҳар хил нақшлар солиши мумкин бўлгани каби, бола дилига ҳам турли фикрлар нақшини солиши мумкин. Бола қалби тоза ер кабидир, унга қандай уруғ сепсанг, ўша уруғ унади. Шунинг учун ота-она ва муаллим буишида ўзаро ҳамкор бўлиб, унинг дилига яхшилик урганинига сепмоқдари лозим". Бугунги тезкор жараёнда шуни унумаслигимиз керакки, болалар ҳаётимиз гултожи ва улар сайёрамиз келажагидир. Бироқ, глобаллашув

жараёни кузатилаётган XXI асрда ҳам жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида болалар на ўқиш, на ёзиши билади, тўйиб овқат емаслик оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмади. БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгани томонидан Ёшлар Форуми ўтказилиб, форумда БМТ котиби Антониу Гуттерриш берган маълумотига кўра, дунё мамлакатларида 74 миллион ёшлар иш топа олмаяпти, зўравонлик ва камситишлар қурбони бўляяпти, қочқин ва муҳожирлар орасида ҳам кўплаб ёшлар жабрланмоқдалар. Энг аянчли ҳолат эса, ҳар йили 12 миллионга яқин бола беш ёшга етмай ҳалок бўлмоқда. 10 миллиондан ортиқ бола эса жисмоний ва руҳий бемор сифатида табиий ривожланишидан тўхтамоқда. Жаҳон Банки ҳисоб-китобларига кўра, сайёрамизда иш ва ўқишида банд ёшлар сони 600 миллиондан ошиб кетган.

БМТ бош котиби ҳар йили маҳсус Ҳисобот эълон қиласи, унга болаларга нисбатан жиiddий ҳукуқ бузилишилари қайд қилинган можаро томонларининг "қора рўйхати" илова қилинади. Ҳисоботнинг сўнгти нашрида Афғонистон, Ироқ, Яман, Мали, Нигерия, Сомали, Сурия, Марказий Африка Республикаси, Жанубий Судан ва бошқа қатор мамлакатлардаги ҳарбий ҳаракатлар иштирокчилари балоғатга етмаган болалар эканлиги қайд этилган. Айни кунларда таҳлилчиларнинг фикрича жаҳоннинг 40 та мамлакатида кузатиладиган қуролли низоларда 300 мингдан 500 минггача 18 ёшга тўлмаган болалар иштирок этмоқда. Улардан айримлари 7 ёки 8 ёшга тўлмагани, ҳаттоки "аскар болалар"нинг 40 фоизини қизлар ташкил қилиши барчани ўйлантиради. Умумий олганда сўнгти 10-15 йил мобайнида қуролли тўқнашувлар туфайли 2 млн.дан ортиқ бола жиiddий жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолган. Болаларнинг 10 млн.дан ортиги эса оғир руҳий ҳолатни бошдан кечирмоқда. Интернет манбаларига кўра қуролли тўқнашувлардан азият чеккан аҳоли вакилларининг 50 фоизини болалар ташкил қиласи. Юқоридаги аянчли ҳолларни кўриб "дунё болаларини ҳисома қилинг" деб ҳайқиргингелади, чунки бу болалар мактаб эшигидан ҳатлаб ўтмаган, дам олиш масканлари нима эканлигини мутлақо билишмайди, улар дастурхон атрофида оила аъзолари, ота-оналари, ақа-укалари, опа-сингиллари билан суҳбатлашиш ўрнига қўлида қурол билан

ҳаттоки одамларни ўлдиришида.

Ёшлар, болалар хусусида сўз борар экан, бу борада мамлакатимиздаги вазиятни дунё давлатлари билан таққослаб кўриб, шукроналар айтиш жоиз, 2016 йил 14 сентябрда "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги Қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан ёшларнинг ҳукуқ ва эркинликлари қонуний кафолатланди ҳамда уларга нисбатан бир қанча имтиёзлар ҳам назарда тутилди. Конунга кўра, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси, ижтимоий мавқеидан қатти назар, ёшларнинг ҳукуқлари ва эркинликларни бирор бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ёшлар, болалар учун бепул тиббий хизмат кўрсатиш, бепул умумий ўрта, ўрта-маҳсус, қасб-хунар таълими олиш, давлат таълим муассасаларида таълим олиш, таълим муассасаларида ўқиши учун имтиёзли кредитлар бериш, етим болаларни ва ота-онасининг қаромидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш, ўрта-маҳсус, қасб-хунар ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш ва бошқа ижтимоий кафолатлар белгиланган. Шунингдек, иқтидорли ва истеъодди ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантларига ҳам тақдим этиш йўлга қўйилган.

Қ. НИШОНБОЕВА.
"Санъатшунослик ва маданиятшунослик" кафедраси доценти

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИЛМ САРҲАДИ ВА ВИРТУАЛ ОЛАМ...

Тараққиётнинг юксак дараҷаси, технологиялашган ҳаёт тарзи одамларни бир қадар кам ҳаракатликка ўргатиб қўйиши кузатилмоқда. Масалан, замонавий ахборот тизимларида кенг расм бўлган «Google Translate» дастури исталган матнни турли хорижий тилларга бир нафасда таржима қилиб беришга қодир. Бироқ, эътибор қаратиш лозим бўлган масала шундаки, автомат таржимага мослашиб олган инсон матннинг мазмунига чуқур кириб бормайди. Таржима дастури берилган матнни қандай бўлса, шундайлигича фойдаланувчига таржима қилиб беради. Албатта бунда вақт тежалиши, шубҳасиз, Лекин киши таржимани луғат ёрдамида амалга ошираса, бу жараён унинг таржима қилинаётган манба ёки материалга нисбатан қизиқиши, изла-нувчанилигини, қолаверса, сўз бойлигини оширишда алоҳидаги ўрин тутади. Ҳозирда таржима дастурларидан фойдаланишининг доимий тарзда тақрорланиши, одамларнинг ахборот тизимларидаги интеллектликка бўйсунниб қолишига олиб келмоқда. Кисқа қилиб айтганда, бундай ёндашув одамларнинг роботлашувини тезлаштироқда ёки замонавий ахборот тизимлари

инсоннинг илм-фан соҳаларида кутилмаган воқеъликларни излаб топиш, янгилек яратиш, кашфиётлар қилиш рафбатини ҳам сусайтиради.

Бундан ташкири, тараққиётнинг инсонга кўрсатаётган салбий таъсири омма ўргасида китобхонликнинг бир қадар камайтанилигида ҳам намоёни бўляяпти. Илгари кутубхоналарда бирор бир мавзу юзасидан юзлаб картотекаларда қайд этилган адабиётлар кўздан кечирилган, улардан энг мақбули изланиши обьекти сифатида танлаб олинган. Шуни айтиш жоизки, кутубхоналарда китоблар ўқувчилар қўлида бўлар, навбатдаги китобхон эса керакли маңбааларнинг қайтарилишини кутишади. Тадқиқотлар шунни кўрсатмоқдаки, дунёдаги анъанавий кутубхоналарга китобхонларнинг ташрифи кескин камайиб кеттан. Бу таассуфли ҳолдир, албатта. Энди эса, замонавий ахборот тизими (интернет)да жойлаштирилган ахборотлар ва бошқа адабиётлар билан қаноатланиб қолинмоқда. Тўғри, бадий ёки илмий адабиётни электрон кутубхоналар орқали ҳам ўқиб, фойдаланиш имконияти мавжуд, бу имкониятдан фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Аммо, юқорида айтиб



ўтганимиздек, китобдан олинган билим ҳар қандай виртуал имкониятдан устун. Руҳшунослар таъкидлаганидек, инсон китобни кўлга олиб мутолаа қиласи, у билан бевосита мулоқот қиласи, ундан қувват олади. Компьютер орқали кечадиган мутолаа жараёнида эса мавжуд девор китобхонни ҷалғитиши, бир қадар толиқтириши ҳам табиий. Глобал виртуаллашув жараёни юз берётган айни пайтда интернетдан, электрон кутубхонадан умуман фойдаланмаслик керак, деган тушунчани илгари суриш бир қадар нотғури, албатта. Фақатгина юқорида мулоҳазаларим орқали интернет, компьютер ва

шунга ўшаган компьютер дастурларидан ўз-ўрнида фойдаланиш мақсадга мувофиқларни таъкидлаган бўлардим. Зотан, илмнинг сарҳаддари – интернет сарҳадларидан кенг ва мустаҳкам. Бунда эса китоблар бизга асосий ҳамроҳидир.

Хуласа ўрнида, Темуршунос олимлардан бири Ҳаким Сатторийнинг «Ҳазрат Соҳибқирон» асаридан айнан жуда бир қизиқ ҳайратомуз маълумотни келтириб ўтсан: Арманистон ҳудудидан ўтаётган Соҳибқирон Амир Темир ҳарбий юришларининг бирида ўша ҳудудда ибодатхона учрайди. У ерда тарки дунё қилган кўплаб аёл ва эркаклар яшарди. Яхши биламизки, уруш

қонунларига мувофиқ босиб олингандан кейин жой таг-туғи билан йўқотилиши керак эди. Аммо буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темур бу ишни амалга оширишга шошилмайди. Бу жой, гарчи бошқа эътиқодга хизмат қиласа ҳам, диний маскан эди. Аёллар ва болаларни олтин ва кумуш ҳисобига озод қилиш тақлифига рози бўлмайди. Шунда бирданига Темур бошқа бир тақлифни ўртага қўяди. «Агар кимда ким жонини омон сақлаш нияти бўлса, менга ўз вазни оғирлигида китоб келтирсинг, – дейди. Ибодатхонадагилар узоқ муҳокама қилишиб, унга жавобан ўлимга рози эканини изҳор этишиди. Улар энг қимматбахо бойликлари – китоб ва кўллэзмаларни топширишни хоҳдашмайди. Соҳибқирон бундай қарордан ҳайрон қолади ва уларни ҳаммасини авф этади. Халқнинг энг нодир бойликларини жонидан азиз билган кишилар тирик қолишига, яшашга ҳақди эди!

Хуласа сиздан...

Шамшод ЎРИНОВ,
"Маданият ва санъат соҳаси менежменти" йўналиши 2-босқич магистранти

Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Таҳрир ҳайъати:
Гўзал ХОЛИҚЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Англино КОШЕЛЕВА
Рашид УСНАТОВ
Нафиса РАЙМКУЛОВА
Муҳаррам БОЗОРОВА

Масъул котиб:
Шавкат ДЎСТМУҲАММАД

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Ялонғон мавзееси, 127 А уй
Тел.: +99890 374-24-25;
+99871 230-28-13
www.dsni.uz; dsni_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги хафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрга Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ – 1.

Газета Тошкент шаҳри Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан

2012 йил 19 декабрда рўйхатта олинган.

1 2 3 4 5